
Ўзбекистон туманилик абитуриентлар ТОП-10 ликда!

Таниқли ҳуқуқшунос ва блогер Хушнудбек Худойбердиев ўзининг телеграм каналида жорий йилги тест синовларидаги умумий ўртача балл бўйича ҳудудлар, яъни мамлакатимиздаги туман ва шаҳарлар рейтингини эълон [қилди](#).

Эътиборли томони, Ўзбекистондаги энг юқори натижа қайд этган ТОП-20 туман/шаҳар рўйхатида асосан **Фарғона (7 та)** ва Бухоро (8 та) вилоятларидаги туман/шаҳарлар ўрин олган. Шунингдек, Тошкент шаҳридан 4 та, Навоий вилоятидан 1 та туман ТОП-20 га кира олган.

Энг юқори ўртача балл қайд этган туман/шаҳарлар рейтингини:

1. Бувайда — 79,03
2. Пешку — 77,87
3. Бағдод — 77,85
4. Қоракўл — 77,73
5. Ғиждувон — 77,33
- 6. Ўзбекистон — 76,66**
7. Вобкент — 76,64
8. Шофиркон — 76,63
9. Риштон — 76,48
10. Олот — 76,15
11. Мирзо Улуғбек — 75,95
12. Яккасарой — 75,78
13. Чилонзор — 75,6
14. Қизилтепа — 75,53
15. Учкўприк — 74,76
16. Данғара — 74,73
17. Ёзёвон — 74,55
18. Ромитан — 74,45
19. Юнусобод — 73,94
20. Бухоро ш. — 73,93

Блогер ўз постида ҳудуднинг ўртача бали қандай ҳисобланишини ҳам қайд этиб ўтган.

Таъкидланишича, масалан, Бухорода тестга кирган 50 минг абитуриент олган барча баллар қўшилади ва 50 мингга бўлинади. Шунда **ўртача арифметик кўрсаткич** чиқади. Ушбу ўртача балларнинг кириш балларига алоқаси йўқ. Бу шунчаки қайси ҳудуднинг абитуриентлари умумий олганда нисбатан баландроқ балл тўплаганини билдиради.

2021-09-07 21:32:33